

## ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Хилола Нематовна Очилова**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқитувчиси, PhD*

**Асел Армановна Сулейманова**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, МН-222 гуруҳ талабаси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада олий таълим тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, олий таълимнинг вазифалари, бошқарувнинг назарий ва амалий аҳамиятлари бошқаришнинг асосий вазифаларининг назарий жиҳатлари ёритиб берилди

**Калит сўзлар:** таълим, олий таълим, бошқарув, олий таълим соҳасини бошқариш вазифалари, таълим сифати, олий таълим муассасаларини бошқариш самарадорлиги.

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимизнинг келажаги, миллат равнақи бевосита таълимнинг даражасига боғлиқ. Шу туфайли мамлакатимизда таълимни ривожлантиришга жуда катта аҳамият қаратилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, энг улуғ даргоҳ таълим даргоҳи бўлса, энг улуғ касб педагог касбидир. Буларни инобатга олиб, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2019 йил 9 октябрда “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонига имзо чекди<sup>1</sup>. Ушбу Концепция 4 бобдан иборат бўлиб, бунда қуйидагилар ўз аксини топган. Умумий қоидалар, ҳозирги кунда республикамиздаги олий таълим тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар, олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари ва келажакда Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалардан иборат.

Давлатнинг ривожланиши биринчи навбатда таълим тизимига боғлиқ. Бизнинг мамлакатимизда ҳам Янги Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар қаторига киритиш учун таълим тизимига жуда катта аҳамият берилмоқда. Шунингдек, юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган олий таълимга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда<sup>2</sup>.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Бугунги кунда дунё миқёсида таълим соҳасига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Чунки таълим соҳасининг такомиллаштиришда уларнинг турлари, хусусиятлари зарур аҳамиятга эга. Шу туфайли таълимнинг сифати ва самарадорлигини ошириш билан иқтисодчи олимларимиз ҳам шуғулланиб келмоқда. Булар жумласига С.С.Фуломов,

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

<sup>2</sup> Nematovna O. H., Karshibaevich P. M. Issues of Ensuring the Harmony of Education and Education in Improving Educational Services in Higher Education // American Journal of Economics and Business Management. – 2022. – Т. 5. – №. 8. – С. 33-37.

Р.Х.Аюпов, М.Э.Пўлатов, А.В.Вахабов, М.Х.Саидов, М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаев, М.М.Мухаммедов, Б.И.Исроилов, А.О.Очилов, Б.Ш.Усмонов, О.Т.Қаҳҳаров, С.А.Бабаназарова кабиларни<sup>3</sup> киритиш мумкин.

**Тадқиқот методологияси.** Олий таълимнинг ўзига хос хусусиятларининг тавсифини тадқиқ қилиш жараёнида миқдор ва сифат, индукция ва дедукция, макон ва замон, мантиқий таҳлил каби услублардан ва ёндошувлардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Олий таълимнинг асосий вазифаси – бу Ўзбекистоннинг илмий-техникавий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш масалаларини ривожланган мамлакатлар даражасида ҳал этишга қодир, юксак даражада илмли, иқтидорли, маънавий, маданий ва ахлоқий сифатларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборатдир. Булардан кўриниб турибдики, аввалом бор, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаёти учун юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашдан иборатдир. Шу туфайли олий таълимнинг биринчи галдаги устувор вазифаси таълим сифатини муттасил ошириб бориш ва янги талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш тизимини амалиётга жорий қилишдан иборат бўлиши керак. Бунга амалга ошириш учун олий таълимда малакали педагог-ходимлар фаолиятини йўлга қўйиш зарурдир. Бунга эришиш учун бошқарув тизимини ҳам такомиллаштириш лозим бўлмоқда.

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг давлатимизнинг иқтисодий ҳаёти ўнгланиб, дунё мамлакатлари билан интеграциялашув жараёни тезлашди. Буларнинг ҳаммаси, тезкор ўзгараётган бугунги кунда инсонларда янгича фикрлашни, замонага тезликда мослашишни талаб қилмоқда. Ҳар биримиз бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга мос қонуниятларнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўзлаштирган ҳолда, шунга мос равишда ҳаракатланишимиз зарур бўлмоқда. Халқаро тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий билимларнинг муҳим таркибий қисми бошқарувнинг илмий асосларидир. Чунки, бошқарув инсон тафаккурини чархлайди, чуқур мушоҳада қилишга ундайди ва шу йўл билан шахснинг яратувчилик имкониятлари ва қирралари очилади. Натижада инсонда жараёнларга нисбатан ижодий қобилиятни намоён этади.

<sup>3</sup>Ғуломов С.С. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.; Ғуломов С.С., Аюпов Р.Х. Рақамли иқтисодиёт ва электрон тижорат асослари. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2020, 510 бет.; Саидов М.Х. Ўзбекистон: инвестиция в человеческий капитал, партнёрства в сфере образования. - М.: Книжный дом газеты «Труд», 2006.-243 с.; Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув Қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2014. – 384 б.; Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Монография. “Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи”, 2020. – 256 б.; М.М.Мухаммедов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: «Фан ва технология» нашриёти 2018. Исроилов Б.И. Таълим тиизимида инновацион корпоратив ҳамкорликни ривожлантиришда иқтисодий механизмлар ролини ошириш. ТМИ, ИАК, 2016 й., 26 март.; Очилов А.О. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати – Тошкент, ТДИУ, 2019. – 76-бет.; Усмонов Б.Ш. ва бошқалар. Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг роли. Т.: “Фан ва технологиялар”, 2015 й.; Қаҳҳаров О.Т. Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш. Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 79 бет.

Мавзу доирасида келиб чиқиб энди бошқарув сўзи ҳақида олимларимизнинг қарашларига тўхталиб ўтсак.

“Бошқарув – бу ўзига хос юксак санъат ва маҳоратни талаб қилувчи танлов, шу танлов асосида қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилишдир” дейди академик М.Шарифхужаев ва Ё.Абдуллаевлар ўз асарларида.<sup>4</sup>

Қ.Х.Абдурахмонов, Ш.Р.Холмўминов, Н.Қ.Зокировлар эса “Персонални бошқариш” номли дарслигида “Менежмент аслида “бошқарув” сўзининг синоними ҳисобланиб, асосан бозор иқтисодиёти шароитларида фаолият кўрсатаётган корхоналарда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришни англатади” деган фикрни билдирган.<sup>5</sup>

Булардан келиб чиқиб, бошқарув деганда бирор-бир хўжалик юритувчи субъектнинг, яъни ташкилот, корхона, фирма ва бошқаларнинг мақсадини аниқлаш, ҳамда унга эришиш учун зарур бўлган барча чораларни кўришга қаратилган дастурлар, режаларни ишлаб чиқиш тушунилади. Бунда режалаштириш, ишни ташкил этиш, ходимлар фаолиятини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, уларни назорат қилиш ва рағбатлантириш жараёнларини қанчалик фойда келтириши, самара бериши нуқтаи назаридан қараш лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида, фаолият йўналишини тўғри танлай билишига, қарорлар қабул қила олишга ҳамда унинг бажарилишини назорат қилишга бевосита боғлиқ бўлади.

Шунингдек олий таълим тизимида ҳам бошқарув тизимининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим тизимида асосан малакали кадрлар тайёрланади;
- таълим соҳасида фаолият олиб бораётган ходимлар ўқув билан бирга илмий-тадқиқот ишлари билан ҳам шуғулланади;
- таълим тизимида назария ва амалиёт бирга олиб борилади;
- таълим тизимида ишлаб чиқарилган маҳсулоти инсон капитали бўлиб ҳисобланади ва шу кабилардир.

“Таълим тўғрисидаги” қонуннинг 3 боб 28 моддасида таъкидланганидек, “Таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради. Таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин” дейилган. Шундай экан, олий таълим муассасасини ректорлар бошқаради. Олий таълим муассасалари ректорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколати билан давлат олий таълим муассасалари ректорларини, шунингдек давлат иштирокида ташкил этиладиган олий таълим ташкилотлари (давлат улуши бўлган нодавлат олий таълим ташкилотлари, қўшма таълим муассасалари, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган таълим муассасалари ва бошқалар) ректорларини

<sup>4</sup> Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2001. – 5 бет.

<sup>5</sup> Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Зокирова Н.Қ. Персонални бошқариш. Дарслик. Т., “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. – 8 бет.

(раҳбарларини) лавозимга тайинлайди ҳамда эгаллаб турган лавозимидан озод этади.<sup>6</sup>

Олий таълимни бошқариш бўйича ректорларнинг ваколатига қуйидагилар киради:

“- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

- таълим ва бошқа муассасаларга методик раҳбарликни амалга ошириш ва раҳбарлик қилиш;

- давлат таълим стандарти талаблари таълим даражаси ва мутахиссларни касбий тайёрлаш сифатига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;

- ўқув жараёнига ўқитишнинг илғор шакллари янги педагогик технологиялар ва ўқитишнинг информацион воситаларини жорий этиш;

-ўқув ва ўқув-методик адабиётлар яратиш ва нашр этишини ташкил этиш;

-таълим олаётганларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги ва таълим муассасасидаги экстернет тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиш;

-педагог ходимлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат олий таълим муассасаларига ректор тайинлаш тўғрисида таклиф киритиш;

- қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатлар”.

Бундан ташқари ҳозирги кунда олий таълим тизимида раҳбар ходимлар таркибига проректорлар, деканлар, кафедра мудирлари, бўлим бошлиқлари ва шу кабиларни киритиш мумкин. Проректорлар ўз йўналиши бўйича институтни бошқаришда ректорга ёрдам беради. Деканлар ўзи бошқараётган факультетига қарашли бўлган кафедралар ва гуруҳларни бошқаради. Кафедра мудирлари эса ўзига тегишли кафедра фаолиятини ва кафедра профессор-ўқитувчиларини бошқаради. Бўлим бошлиқлари эса бўлимига қарашли ходимларни ва йўналишини бошқаради. Бундан ташқари, олий таълим тизимида ишлаётган ҳар бир профессор-ўқитувчи ўзига ва ўқувчиларига раҳбар бўлиши лозим. Чунки у аудиторияга кирганда аудиторияни бошқаришга тўғри келади. Аудиторияда 20 та талаба бўлса, профессор-ўқитувчининг 20 хил ёндошуви бўлиши талаб этилади. Ана шундай ёндошилсагина, олий маълумотли кадрлар ўз соҳасида раҳбарлик қила олиши мумкин. Профессор-ўқитувчилар таълим жараёнида нафақат ўқитиш орқали, балки ўрнатилган бўлиш орқали талабаларни тарбиялаб ҳам бориши лозимдир.

Олий таълим тизимидаги бошқарув билан шуғулланувчи шахслар юксак даражадаги масъулиятлилик, ваколатлилик ҳамда тартиб-интизом билан боғлиқ маъмурий қоидаларни ички ва ташқи воситалар ёрдамида мунтазам самарали баҳолаш қобилиятига хос бўлиши лозим. Агар таълим соҳасида

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 23.09.2020 йилдаги ЎРҚ-637-сон. <https://lex.uz/docs/5013007>

самарали бошқарув бўлмаса, режалаштириш, ташкил қилиш, тарбиялаш, моҳиятлаш, назорат қилиш ва мотивлаштириш вазифасини самарали амалга ошириш мумкин бўлмаслиги табиий.

Олий таълим муассасаларини бошқариш самарали бўлиши учун ўқув-тарбия жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан талабалар, профессор-ўқитувчилар таркиби, ўқув-ёрдамчи ходимлар, соҳа ва маъмурият ходимлари ва бошқаларнинг манфаатлари уйғунлашган бўлиши лозим. Аммо бундай манфаатларнинг ранг-баранглиги, табиийки, уларни бошқаришнинг тегишли тамойилларини танлашни талаб қилади. Шу туфайли ҳар бир шахсни бошқаришда турли усуллардан фойдаланилади. Бу эса бошқарувчининг маҳорати, савияси ва салоҳиятига боғлиқ.

**Хулоса ва таклифлар.** Мақолада олий таълим тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилинди. Таълим тизимини бошқариш бошқа соҳаларни бошқаришдан анча мураккаб ва масъулиятли. Ҳаммамиз яхши биламиз давлатнинг ривожланишига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири бу аввало таълимнинг сифати. Шунинг учун таълим соҳасини бошқаришда аввало сифатга, сўнгра самарадорликка аҳамият берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунда таълим соҳасини янада бойитиш билан бирга, таълимнинг Янги Ўзбекистон талабларига мос ҳолда ривожланиб боришини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республкасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637 қонуни. (Янгидан қабул қилинган)// <https://yuz.uz/news/talim-togrisidagi-qonun-imzoland>.
2. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. “Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи”, 2021. – 256 б.,
3. Алимова, М. Т. (2017). Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида). И. ф. д. дисс.– Самарқанд: СамИСИ, 25, 26.
4. Nematovna O. H., Karshibaevich P. M. Issues of Ensuring the Harmony of Education and Education in Improving Educational Services in Higher Education //American Journal of Economics and Business Management. – 2022. – Т. 5. – №. 8. – С. 33-37.
5. Nematovna, O. H., & Karshibaevich, P. M. (2022). Issues of Ensuring the Harmony of Education and Education in Improving Educational Services in Higher Education. American Journal of Economics and Business Management, 5(8), 33-37.
6. Ochilova, H. N. (2022). FACTORS AFFECTING THE IMPROVEMENT OF EDUCATIONAL SERVICES IN HIGHER EDUCATION AND WAYS OF THEIR ANALYSIS.

Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 2(1.1 Economical sciences).

7. Ochilova, H. N. (2023). INCENTIVE AND MOTIVATION MECHANISMS OF INCREASING THE EFFICIENCY OF EDUCATIONAL SERVICES IN HIGHER EDUCATION. Экономика и социум, (6-1 (109)), 336-342.

8. Bobir Xo'jaqul o'g, Q. (2024). ISLOM MOLIYASINI O 'ZBEKISTONDA RIVOJLANTIRISH. Научный Фокус, 2(13), 233-240.

9. Абдуманнонов Б. М. ИННОВАЦИОННОЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В МОДЕРНИЗАЦИИ БАЗОВЫХ ОТРАСЛЕЙ ЭКОНОМИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН //Journal of marketing, business and management. – 2023. – Т. 1. – №. 11. – С. 35-38.

10. Maxsud A., Maxsudovich A. B., Xamzayevich A. A. QURILISH TASHKILOTLARIDA INSON RESURSLARINI BOSHQARISH STRATEGIYASI //Journal of marketing, business and management. – 2023. – Т. 2. – №. 1. – С. 45-52.

11. B.B. Rakhmatov Material consumption as an important factor in the management of the regional economy, International Journal of Engineering Mathematics: Theory and Application (Online) 1687-6156 <http://iejemta.com/VOLUME 5 ISSUE 1,100-112>

12. Rakhmatov B.B. RESOURCE SAVING AS A MULTIPLE PROBLEM, International journal of trends in business administration ISSN: 2349-4212 2023 ear Volume 13 issue 1 Universal impact factor 7.828,3-10

13. Odilovich O. A., Umirzokovich T. F., Turdibaevich K. R. Increasing the Efficiency of Higher Education Personnel Training Management in Uzbekistan //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 9251-9264.

14. Турсунов Ф. Цифровая трансформация в экономике //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 3/С. – С. 133-137.

15. Tursunov F. U., Azizkulov B. K. Rriorities of tourism and ways to increase their attractiveness //Journal of innovations in economy. – 2021. – Т. 4. – №. 5. – С. 4-10.

16. Tursunov F. U. Digital economy and globalization: the importance of digital entrepreneurship development //Journal of innovations in economy. – 2020. – Т. 6. – №. 3. – С. 17-20.

17. Tursunov F. Digital transformation in the economy //Society and Innovations. – 2021. – Т. 2. – №. 3.

18. TURSUNOV F. Small Business and Private Entrepreneurship: Ways of Support and Effective Organization. – 2021.

19. Tursunov F. U., Haydarova S. A. Sifat menejmentida zamonaviy yondashuvlar //Scientific Impulse. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 536-537.

20. Турсунов Ф. У., Шарипова М. С. Юқори технологияли корхоналарнинг инновацион ва инвестиция фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги //Journal of marketing, business and management. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 30-32.

21. Umirzakovich T. F. KORXONADA STRATEGIK BOSHQARUV TIZIMINI TASHKIL ETISHDA INNOVATSION BOSHQARUV TAMOYILLARIDAN FOYDALANISH //Journal of marketing, business and management. – 2023. – Т. 2. – №. 3. – С. 96-99.
22. Tursunov F. U., Vaxriddinov S. H. R. OLIY TA'LIM MUASSASASIDA INNOVATSION JARAYONLARNI BOSHQARISHDA MUAMMOLAR //Евразийский журнал академических исследований. – 2022. – Т. 2. – №. 4. – С. 96-100.
23. Tursunov F. U. IMPORTANCE OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN SERVICE FIELD //Экономика и социум. – 2022. – №. 8 (99). – С. 77-79.
24. Турсунов Ф. У., Асророва Ф. А. СТРАТЕГИЧЕСКОЕ ПЛАНИРОВАНИЕ В СИСТЕМЕ УПРАВЛЕНИЯ //Journal of marketing, business and management. – 2022. – Т. 1. – №. 8. – С. 5-10.
25. Rakhmatov B. B. MATERIAL CONSUMPTION AS AN IMPORTANT FACTOR IN THE MANAGEMENT OF THE REGIONAL ECONOMY //International Journal of Engineering Mathematics (Online). – 2023. – Т. 5. – №. 1.
26. Рахматов Б. Б. ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА КЛАСТЕРЛАШТИРИШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ //INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2023. – Т. 3. – №. 28. – С. 150-153.
27. Rakhmatov B. B. METHODOLOGICAL APPROACHES TO POVERTY AND ITS ANALYSIS //British View. – 2022. – Т. 7. – №. 2.
28. Anvarjon F., Bo'riboevich R. B. O'ZBEKISTON SHAROITIDA AGROTURIZMNI RIVOJLANTIRISHDA HORIJIY INVESTITSIYALARNING ROLI //ZAMONAVIY TA'LIM: MUAMMO VA YECHIMLARI. – 2022. – Т. 1. – С. 109-110.
29. Rakhmatov B. B. et al. Improving Investment Services in the Digital Economy //JournalNX. – С. 117-120. 24. Rakhmatov B. B. et al. Investment in the Territorial Economy is an Important Condition for Providing Public Employment //JournalNX. – С. 112-116.
30. Ugli K. B. K. Analysis of Investment Activity of Insurers Operating in the Insurance Market //EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY. – 2023. – Т. 3. – №. 5. – С. 77-84.
31. Karshievna U. D., Khujakulovich K. B. ASSESSMENT OF THE SYNERGY EFFECT IN TOURISM //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2022. – Т. 4. – №. 02. – С. 19-25.
32. Qilichov B. X. et al. Development of the Insurance Market in the Conditions of Innovative Economy //Academic Journal of Digital Economics and Stability.
33. Тангиров А. Э. ЧЎЛ-ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИДА КЛАСТЕР БОШҚАРУВ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Academic research in educational sciences. – 2022. – №. Conference. – С. 336-341.
34. Tangirov A. ABDURAHMAN JAMI. WHY" BAHORISTAN"? //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. B7. – С. 524-526.
35. Egamovich T. A. DISPARITATION OF PRICES AND ITS SOLUTION //International journal of trends in business administration. – 2022. – Т. 12. – №. 1.

36. UGLI K. B. K. ANALYSIS OF INSURANCE ORGANIZATIONS BY INSURANCE CLASSES //Gospodarka i Innowacje. – 2024. – Т. 46. – С. 181-197.

37. Tashmatov, S. U. (2021). Turizmning mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishidagi ahamiyati. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(4), 1128-1132.